

## Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломни касаллик балоси билан синади



13:32 / 30.01.2020 5279

Аллоҳ таоло мураккаб бир даврда Бану Исроилга Айюб алайҳиссаломни набий қилиб юборди. У зотнинг мол-мулклари, аҳли аёллари кўп эди. Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломдан уларнинг барчасини олиб қўйиб, бошларига турли балоларни солди ва баданларига ҳам дард бериб, синади. Айюб алайҳиссаломдан барча юз ўғирди, фақатгина жуфти ҳалоллари – аёллари ҳар қандай вазиятда ҳам у зот алайҳиссалом билан бирга бўлди.

Айюб алайҳиссалом Суриянинг шимолий ўлкаларида бир жойдан иккинчисига кўчиб юриб, кишиларни Аллоҳ таолонинг ибодатига даъват қилдилар.

Айюб алайҳиссалом Исҳоқ алайҳиссаломнинг авлодидирлар.

Қуръони Каримда ҳам, суннати мутоҳҳарада ҳам Айюб алайҳиссаломнинг ўзларига етган мусибатга сабр қилганларидан бошқа ҳаётлари, қавмлари ёки даъватлари ҳақида маълумотлар келган эмас. Шунинг учун биз у зотнинг зикрлари келган ояти карималарни ўрганиш ила кифояланамиз.

«Биз сенга худди Нух ва ундан кейинги набийларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодлари, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ваҳий юбордик. Довудга эса Забурни бердик» (Нисо сураси, 163-оят).

Демак, ҳамма пайғамбарларга ваҳий юбораётган, уларни бандалар ичидан танлаб олаётган Зот битта – Аллоҳ. Мазкур пайғамбарларга ваҳий юборган ўша Зот уларнинг қаторида Айюб алайҳиссаломга ҳам ваҳий юбориб, у зотни ҳам Ўзига пайғамбар қилиб олди.

Айюб алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаси, танлаб олган пайғамбаридирлар. Бошқа пайғамбарлар қатори, Аллоҳ таоло у зотни ҳам синовга солган. Ўзининг охириги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг умматларига ибрат, тасалли бўлиши учун ўша синов ҳақида хабар берилмоқда. Бу синов мол-дунё, аҳли аёл ва саломатлик борасида бўлган. Айюб алайҳиссалом бу синовларнинг ҳаммасига гўзал сабр қилиб, бирор лаҳза ҳам Аллоҳдан узилмадилар. У Зотга бўлган ишончлари сусаймай, розилигини тилаб турдилар.

Атрофимизда рўй бераётган воқеаларда ёки бирор киши «Сен ишдан ҳайдалдинг» деган гапни эшитиши ҳамоно бу гапни кўтаролмай, гўёки оғир жудоликка кўмилиб қолгандай ташқарига чиқиб ўзини ўнинчи қаватдан ташлаб юборади. Ёки бўлмаса фирмаси банкрот бўлганда қаттиқ тушкун ҳолатда ўзини бошқаролмай, ўзини осиб қўяётганлар, ўз жонига қасд қилаётганлар ҳақида ҳам кўп эшитиб қоламиз. Бунинг гувоҳи бўлганлар ҳам орамизда бир талай. Астаффируллоҳ! Бу ниманинг белгиси? Пули, фирмасига сиғинганининг белгисимасми? «Эй калтафаҳм банда, пулингдан айрилган бўлсанг, бошинг танангда, соғлигинг жойида бўлса, шукр қилмайсанми?» дегинг келади.

Ҳамма юз ўгириб кетганида ҳам Айюб алайҳиссаломнинг ёнларида биргина вафодор аёли қолган. Бемордан келаётган бадбўй ҳид ва бу касаллик тарқалиб кетишидан ҳадиксираб уларни шаҳардан чиқариб юборишади. Бу қандай ҳам оғир ҳолат. Хотини эрини елкасига кўтариб юрди, қай бир қишлоққа ёки шаҳарга борса опичлаб олиб, ўша қишлоқ ёки шаҳар четига, бирор-бир дарахт соясига ўтқазиб қўйиб қўлидаги бор мол-мулкани сарфлади. Айюб алайҳиссаломни ювинтириб кийинтирди, таомлантирди, бу кетишда уларнинг бор пуллари тугади.

Шундан сўнг Айюб алайҳиссаломнинг аёли одамларнинг кирини ювиб, ҳовлисини тозалаб, молига қараш билан уларнинг хизматини қилишга тушди, меҳнат қилиб пул топиб, эрини парвариш қилди, касал эрининг ёнидан бир дақиқа ҳам жилмади, нолимади ҳам. Шу ҳолатда улар ўн саккиз йил умр кечиришди.

Айюб алайҳиссалом бирор марта шикоят қилмадилар, «Шифо бер» деб ҳам дуо қилмадилар, «Парвардигор қийналдим» демадилар, бу мусибатларини аёлига ҳам гапирмадилар.

Шайтон эса машаққатли синов лаҳзаларида Айюб алайҳиссалом билан бирга қолган барча мухлис кишиларни васваса қилар эди. Ўша мухлислар ичида у зотнинг хотинлари ҳам бор эди. У аёлга ҳам турли томондан васваса қилинарди. Унга: «Агар Аллоҳ Айюбни яхши кўрганида, уни бундай балога гирифтор этмас эди», дейиларди. Бу гаплар Айюб алайҳиссаломга ҳам етиб келди. Хотинлари мазкур гаплардан баъзиларини айтганида, у зот имкон топганларида аёлларини уришга қасам ичдилар.

**«Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди»** (Сод сураси, 41-оят).

Айюб алайҳиссалом ҳамма нарса Аллоҳ таолодан бўлишини яхши билсалар ҳам, кўнгилсиз нарсани одоб юзасидан шайтонга нисбат бердилар. Шунингдек, бу шикоят билан мухлис кишиларини шайтон васвасага солаётганига, бундан ўзлари ҳам озорланаётганларига ишора қилдилар.

Аллоҳ таоло у зотнинг бу илтижоларига, ёлворишларига муносиб жавоб берди:

«Оёғинг ила тепгин! Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув)» (42-оят).

Яъни «Оёғинг билан ерни тепгин», деди. Айюб алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига итоат этиб, оёқлари билан ерни тепган эдилар, у ердан сув чиқди.

Демак, шу сувга чўмилган одам шифо топади. Ундан ичилса, ички дардларга даво бўлади. Шундай бўлди ҳам.

Айюб алайҳиссалом мазкур сувда чўмилиб, ундан ичиб, шифо топганларидан сўнг Аллоҳ таоло у зотга аҳли оилаларини қайтариб берди. Улар билан бирга яна ўшанча ҳам берди. Бу ишлар қандай амалга ошганини Ўзи билади. Ўлиб кетганларини тирилтирганми, қочиб кетганларини қайтарганми ёки бутунлай янгитдан берганми – бу томони Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум.

Шундай қилиб, Айюб алайҳиссалом бутунлай соғайиб кетдилар, аҳли оилалари ҳам икки баробар бўлиб қайтди. Энди учинчи нарса қолди: имкон топганида энг оғир пайтларда ихлос билан ёнида турган вафодор хотинларини уришга қасам ичиб қўйган эдилар, ўша қасамга амал қилиш.

Бу мушкул иш эди. Шундай вафодор ва мухлиса аёлни, оғир ва машаққатли лаҳзаларда елкадош бўлган, бало-офатларни бирга тотган йўлдошни мушкул ариганидан кейин юз таёқ уриш керак.

Дарҳақиқат, бу оғир муаммо эди. Лекин Аллоҳ таоло Ўз раҳмати ила бу муаммони ҳам ҳал этди. Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга деди:

«Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма». Биз уни сабрли топдик. У нақадар яхши банда! Албатта, у сертавбадир» (44-оят).

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга қасамларини қандай адо этишни ўргатмоқда ҳамда у зотга Ўзи томонидан бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабабини баён қилмоқда:

«Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма».

«Эй Айюб, неча марта уришни айтган бўлсанг, ўшанча новдани бир даста қилиб ол-да, у билан хотинингни ур. Шунда қасамингни адо этган бўласан, қасаминг бузилмайди.

Бунчалик фазлу карам кўрсатилишининг сабаби:

«Биз уни сабрли топдик».

Синов келганда, Айюб гўзал тарзда сабр қилди. Бизга бўлган ишончи сусаймади. Бизнинг розилигимизни топишдан бир лаҳза ҳам умидини узмади».

«У қандай ҳам яхши банда».

Айюб ниҳоятда яхши бандадир.

«У сертавба эди».

Ҳар бир нарсада Аллоҳ таолонинг Ўзигагина қайтади.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Айюб алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири Зулкифл алайҳиссаломдирлар.

Хулоса агар сизга дард етган бўлса, мусибатда бўлсангиз, бу қиссани эсланг, солиштиринг ва тафаккур қилинг! Ўз ҳолингизга шукр қилинг, тақво қилинг ва берган мусибатига сабр қилинг. Агар шундай қилсангиз, иншаАллоҳ, Аллоҳ сизнинг бу тақво ва сабрингизни зое қилмайди. Ажрини албатта оласиз.

